



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 22 январь, № 15 (4930)

Жума

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ — ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ПОЙДЕВОРИ


Мамлакатимизда Инвестиция дастури доирасида ҳар йили иқтисодий тармоқларида кўплаб миқдордаги сармоялар ўзлаштирилмоқда. Бу маблағлар мавжуд корхоналарни технологик жиҳатдан модернизациялаш, янги қувватларни ишга туширишга йўналтирилган, айниқса, қувонарлидир. Натияжада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб бораётди. Бунга Жиззах вилоятида амалга оширилган ишлар яққол мисол бўла олади.

Ислоҳот

Хусусан, мазкур вилоятда ўтган йили 18,5 миллион АҚШ доллари ўрнига 22,2 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция жалб этилди. Шунинг 16,5 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хориж инвестициясидир.

Таъкидлаш керакки, инвестиция ҳисобидан бешта янги корхона фойдаланишга топширилди, кўплаб ишлаб чиқариш субъектлари хорижнинг замонавий техника ва технологиялари билан қайта жиҳозланди. Янгидан ташкил этилган корхоналарнинг ўзида йилига 9,5 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш имконияти яратилди.

(Давоми 2-бетда).



Маълумки, 2008 йил 26 декабрда «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган эди. Унда қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ташкил этиш, фаолият юритиши ҳамда тугатилишига доир ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган.

АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК

Ҳуқуқий мажмуага биноан, қутқарув хизматлари ҳамда тузилмалари зиммасига одамлар ҳаётини, соғлигини сақлаш юзасидан муайян ишларни амалга ошириш, факулдада вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бар-тароф этиш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби масъу-ляти вазифалар юклаган. Ҳозирда мазкур ҳужжатнинг

нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси янги 204¹, 249¹-моддалар, шунингдек, 245-модда биринчи қисм билан тўлдирилди. Хусусан, уч қисмдан иборат бўлган 204¹-модда аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли факулдада вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажармаганлик учун жавобгарликни кўзда

Қонун кучга кирди

и жросини таъминлаш борасида кенг қўла-ли ишлар амалга оширила-ётди. Чунончи, тегишли ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга и-чил таътиб этилмоқда.

Маълумки, мазкур Қонун қабул қилинганга қадар аҳоли ҳамда ҳудудларни та-биий ва техноген хусусият-ли факулдада вазиятлардан муҳофаза этиш, фуқаро му-ҳофазасига оид қонун ҳу-жатларини бузиш соҳага масъул давлат органлари-нинг оғохлантурув хати ёки тақдирномасига асосан бар-тароф этиб келинар эди. Ле-кин бу сая-ҳаракатлар ушбу тизимдаги қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бар-тароф этишга етарли даражада им-коният бермасди. Қутқарув-чиларнинг қонун ҳужжат-лари талабларининг амалда-ги ижросини тўлиқ таъмин-лаш мазкур соҳага алоқадор бўлган бошқа қонун ҳуж-жатлари ҳам қўшимчалар ки-ритиш заруратини тақозо этарди. Шу нуқтаи назардан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъму-рий жавобгарлик тўғрисида-ги кодексига қўшимчалар ки-ритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Пре-зидентимиз томонидан им-золанди ва матбуотда эълон қилинди.

Тегишли Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси-

тутади. Ушбу мо-да одам-лар соғли-ли ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келган, атроф-муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солган ҳуқуқбузарлик, факулдада вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яширганлик, ўз вақти-да тақдир этмаганлик ёки атайин сохта ахборот тақдир этганлик учун ҳам жавобгар-ликни назарда тутди.

Шуни айтиб ўтиш керак-ки, Ўзбекистон Республика-си Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 204¹-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, 249¹-моддага му-вофиқ, Ўзбекистон Респу-бликаси Факулдада вазият-лар вазирлиги органлари-нинг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади-лар. У белгиланган тарти-бда судга тақдир этилади.

Ушбу Қонунни ишлаб чи-қишда бир қатор халқаро ҳу-жатлар талаблари ҳам батафсил ўрганилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ухлоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжат атроф-муҳи-тни муҳофаза қилишга ва шу орқали фуқароларнинг со-лом яшаши учун зарур бўлган экотизимни асраб-авайлашга ҳамда бу борада аҳолининг масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилади.

У. МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун
ҳужжатлари мониторинги
институтини бош илмий
ҳодими.

(Давоми 2-бетда).

БЕНИЛЮКС МАМЛАКАТЛАРИ ТУРИЗМ ЯРМАРКАЛАРИДА ЎЗБЕКISTON САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

Бельгиянинг Лювен ва Нидерландлар қироллигининг Утрехт шаҳарларида туризм ярмаркалари бўлиб ўтди ва уларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди.

Лювен шаҳридаги ярмаркада Ўзбекистонга бағишланган стенд тадбир меҳмонларининг алоҳида эътиборини тортди. Ярмарка чоғида иштирокчиларга ўзбек халқининг бой тарихий, маданий ва меъморий мероси ҳамда мамлакатда тури соҳаларда эришилган ютуқлар, айниқса, Ўзбекистон ҳукумати томонидан туризм инфратузилмасини такомиллаштириш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди.

Кўпчилик меҳмонлар Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари, амалий санъат намуналари ҳамда мамлакатнинг туризм соҳа-

сидаги салоҳиятига хайрихоҳлик билдиришди.

Бельгиянинг «Hobo Reisen» компанияси президенти А. Готц кўрғазмага келганлар ярмаркадан

Биз ва жаҳон

аниқ бир мақсадни кўзлашгани — келгуси сайёҳлик мавсумида ўзларининг ҳордиқ чиқаришлари учун жой излашларини таъкидлади. Унинг фикрича, ана шундай мамлакатлардан бири — тарихий ёдгорликлар, қадимий ва ўзига хос маданиятлар ўлкаси, дунёнинг барча мамлакатларидан ташриф буюрувчи

сайёҳларга ўзининг самимилиги ва меҳмондўстлиги билан машҳур Ўзбекистон ҳисобланади. А. Готцнинг сўзларига кўра, шу йилнинг май ойида Ўзбекистонга боришни режалаштираётган бельгиялик сайёҳлар гуруҳи тўпланиб бўлган. Компаниянинг режаси бўйича эса, 2010 йилнинг биринчи ярми давомида бир неча сайёҳатчилар гуруҳларининг Ўзбекистонга боришлари ташкил этилади, бинобарин, ушбу мамлакатга боришни истовчи бельгиялик туристларнинг сони мунтазам ошиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ

иш жараёни тезкорлиги ва самарадорлигини оширади

Ҳозирги куннинг энг қулай алоқа воситасига айланган мазкур тизим корхона, ташкилотлар, ўқув муассасаларидан тортиб, хонадонларга ҳам кириб бормоқда. Интернет хизмати билан боғлиқ яратиб берилаётган имкониятлар хусусида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни ба-р-тароф

етказилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг веб-сайти қайта кўриб чиқилиб, замонавий шаклга келтирилди. Кейинги босқичда эса вилоят ва туман ҳокимликлари ўртасида электрон ҳужжат алмасуви йўлга қўйилди. Учунчи босқичда барча бошқарув идоралари ҳамда ташкилотларни ягона тармоққа улаш режалаштирилган.

Интилиш

Ахборот алмасувининг энг тезкор ва қулай воситаси этишининг йўллари ва чоралари асаридан ушбу соҳада кейинги тўрт йил давомида йилига ўртача 50 фоиздан ўсишга эришилгани алоҳида таъкидланганки, бу сўзимизга янада яққолроқ далил бўла олади.

Ахборот технологиялари ишлаб чиқаришнинг турли жабҳалари, бошқарув ва таълим тизими, кишилар ҳаётига изчил жорий этилаётгани бизнинг вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур юмушнинг биринчи босқичи сифатида вилоят ҳокимлигида ишга туширилган локал тармоқ бугунги кунда бошқарув ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида электрон алоқанинг изчиллигини таъминламоқда. Бу ерда тармоққа уланган 47 та компьютер ёрдамида ҳокимлик йиғилишлари тафсилоти, ишлаб чиқилган расмий ҳужжатлар нусхалари ижро-чиларга тезкорлик билан

бўлган Интернет хизмати ҳам вилоятимиз аҳли ҳаётдан мустаҳкам ўрин олаётди. Ҳозирда давлат ва бошқарув идораларидан 89 таси, шунингдек, 528 та ҳўжалик юритувчи субъект халқаро тармоққа уланган. Бундан ташқари, жойларда фаолият кўрсатаётган 27 та Интернет кафе хизматидан фойдаланувчилар сони кўпайиб, 60,5 минг кишига етди.

Вилоятимизда АКТнинг муҳим жабҳаси — алоқа тизимини замон талаблари асосида техник жиҳатдан қайта қуролантириш орқали миқдорга хизмат кўрсатиш сифати ҳамда маданиятини оширишга эришилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда 350 километрдан зиёд шиша то-лалли кабеллар ётқизилган-дан сўнг Наманган шаҳри ва туман марказларидаги

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ Хориж сармояси ҳисобига

ҚАШҚАДАРЁ вилоятида ўтган йили мелиорация тизимида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 3 миллиард 900 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Мелиораторларга замонавий техникалар

Хусусан, мелиораторларнинг техника парклари хориждан келтирилган 23 та экскаватор, 3 бўльдозер ва 15 та бошқа замонавий техника воситалари билан тўлдирилди.

Яратилган бу каби имкониятлар туфайли вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақса-дида 22 та йирик лойиҳа амалга оширилди. Натияжада умумий узунлиги 562 кило-метрлик зовурлар қазилиб, 11 километр масофадаги ёпиқ дренаж тозаланди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД вилоятидаги ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий маркази яқинда Япония ҳукуматининг бир миллион АҚШ долларлик гранти билан тақдирланган эди.

Марказ ана шу грант ҳисобидан замонавий тиббий ас-боб-ускуналар билан жиҳоз-ланди. Бу эса унинг ногирон-

НАВОЙИ вилоятида болалар спортини оммалаштириш масаласи-га алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, биргина ўтган йилнинг ўзида Болалар спортини ривожлантириш жам-ғармаси томонидан етти та янги спорт иншооти фойда-ланишга топширилди. Бунинг учун бир миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ту-

лар соғлиқларини тиклаш ва уларни мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиш борасидаги имкониятларини кенгайтирди.

Ҳаммаси болалар учун

манлардаги болалар спорт мажмуаларига ҳомийлар маб-лағи ҳисобидан 115 та стол тенниси жиҳозлари соғва қилинди.

Умуман, жамғарманинг етти йиллик фаолияти давомида ви-лоятда 53 та болалар спорт мажмуаси бунёд этилди. Улар 120 хилдаги 743,9 миллион

Эътиборлиси, бу ерда тиб-бий муолажалар касбга ўрга-тиш билан биргаликда олиб борилмақда. Аёллар бичиш-тиқиш, эркаклар устачилик, бо-лалар компьютер асосларидан сабоқ олишяпти.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Лизинг — имкониятлар калити

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ фермерлари ўтган йили лизинг асосида 336 та турли русумдаги қишлоқ ҳўжалиги техникалари харид қилишган эди.

Ушбу мақсадлар учун «Ўзқишлоқҳўжаликмаши-зин» компаниясининг минтақадаги филиали томо-нидан 4519,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бу каби кенг қамровли тадбирлар фермерлар имкониятини янада кенгайтириб, жорий йилда ҳам мўл ҳосил етиштирилишини кафолатлаши, шўҳасис.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги қурилма намойиш этилади

ФАРҒОНА политехника институти жамоаси ҳар йили Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ўндан ортиқ илмий тадқиқотлар билан қатнашади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойи-ҳалар ва технологияларни ишлаб-чиқаришга таътиб этишни рағбат-лантириш борасидаги қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан илмий тадқиқот ташки-лотлари ва иқтисодий тизимнинг реал сектори корхоналари ўртаси-да ҳамкорлик алоқаларини кучай-тириш, фан ютуқларини ишлаб чи-қаришга кенг жорий этиш юзаси-

дан муҳим вазифалар белгиланган. Аънавий тарзда ўтказиб кели-наётган Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳа-лар ярмаркаси ҳам бу борада амал-га оширилаётган ишларни такомил-лаштиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Фаргона политехника институти-да ҳам инновацион гоёлар, лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш чоралари кўрилмоқда. Институт олимлари ва

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ: 2010 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари баённомаларига асосан, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин:

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи
Қорақалпоғистон Республикаси					Сурхондарё вилояти				
1.	Аимбетов Нагмет Қаллиевич	1955	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси	Нукус шаҳри	1.	Алтиев Абдурашид Султанович	1962	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг доимий асосда ишловчи аъзоси	Тошкент шаҳри
2.	Ерниязов Мусо Тажетдинович	1947	Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари	Нукус шаҳри	2.	Арипова Шоҳида Раҳматовна	1958	Термиз шаҳар давлат 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори	Термиз шаҳри
3.	Иматов Полатбай Базарбаевич	1960	Кегейли тумани ҳокими	Кегейли тумани	3.	Бойниёзов Эркин Бозорович	1966	Шўрчи тумани ҳокими	Шўрчи тумани
4.	Рамбергенов Абат Кенгесбаевич	1967	«Ўзкимёсанот» давлат акциядорлик компанияси «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонаси бош муҳандиси	Қўнғирот тумани	4.	Бахромоф Исахон Насирович	1954	Ангор тумани «Саидносирхон» фермер хўжалиги раҳбари	Ангор тумани
5.	Сейтназаров Сарсенбай Ержанович	1960	Тахтақўпир тумани «Тайимбет» фермер хўжалиги раҳбари	Тахтақўпир тумани	5.	Жўраев Туробжон Икромович	1966	Сурхондарё вилояти ҳокими	Термиз шаҳри
6.	Эрманов Фарход Уразбоевич	1958	Беруний тумани ҳокими	Амударё тумани	6.	Чариев Нармуҳмин Оманович	1959	Сариосиё тумани ҳокими	Сариосиё тумани
Андижон вилояти					Тошкент вилояти				
1.	Абдуллаев Улугбек Анварович	1962	Избоскан тумани ҳокими	Андижон шаҳри	1.	Баратова Сайёра Раҳматовна	1960	Юқори Чирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудираси	Юқори Чирчиқ тумани
2.	Арабаева Паридохон Даминавна	1956	Пахтабод шаҳар «Юқори» маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси	Пахтабод шаҳри	2.	Каримов Холмурод Абдурахмонович	1958	Пискент тумани «Каримов Холмурод» фермер хўжалиги раҳбари	Пискент тумани
3.	Бектимиров Ўткирбек Ўктамович	1968	Балиқчи тумани ҳокими	Олтинқул тумани	3.	Сидиков Дамир Лутфуллаевич	1970	Чирчиқ шаҳар тиббиёт коллежи директори	Кибрай тумани
4.	Раджапов Маврутали Гапирович	1958	«GM-Ўзбекистон» акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш бошқаруви директори	Асака шаҳри	4.	Тоиров Махмуд	1952	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси	Паркент тумани
5.	Усмонов Аҳмад Тугилович	1957	Андижон вилояти ҳокими	Андижон шаҳри	5.	Хамраев Шодибек Турсунович	1962	Бекобод тумани ҳокими	Тошкент шаҳри
6.	Хўжамбердиев Мамазаир	1944	Андижон давлат тиббиёт институти ректори	Андижон шаҳри	6.	Холматов Рустам Курбонназарович	1961	Тошкент вилояти ҳокими	Тошкент шаҳри
Бухоро вилояти					Фарғона вилояти				
1.	Адилов Замир Нарзуллоевич	1954	Бухоро нефть ва газ саноати касб-хўнара коллежи директори	Ғиждувон тумани	1.	Мажидов Рустамали Ахмадалиевич	1965	Бешариқ тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бокс мураббийси	Бешариқ тумани
2.	Латипов Азим Шукрович	1951	Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари	Шофиркон тумани	2.	Мусаев Мухаммадали	1957	Фарғона тумани ҳокими	Фарғона тумани
3.	Ражабова Мавжуда Абдуллаевна	1955	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри	3.	Нематов Ҳамиджон Холиқович	1963	Фарғона вилояти ҳокими	Фарғона шаҳри
4.	Раҳимов Карим Наимович	1959	Жондор тумани ҳокими	Жондор тумани	4.	Собиров Шўхратжон Уринбаевич	1960	Кўқон шаҳар ҳокими	Кўқон шаҳри
5.	Хамраев Собир Бозорович	1979	«Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати Бухоро вилояти бўлими Кенгаши раиси	Бухоро тумани	5.	Тўйчиев Қудратали Шокиржонович	1956	Олтиариқ тумани «Юксалиш саховати» фермер хўжалиги раҳбари	Олтиариқ тумани
6.	Хусенов Самойдин Қасимович	1946	Бухоро вилояти ҳокими	Бухоро шаҳри	6.	Қўрғонова Раҳимахон	1957	Бувайда педагогика коллежи директори	Бувайда тумани
Жиззах вилояти					Хоразм вилояти				
1.	Алимова Халида Рауфовна	1951	Жиззах вилояти болалар тиббиёт маркази бош шифокори	Жиззах шаҳри	1.	Аллақулиев Давронбек Сафаевич	1961	Хива тумани ҳокими	Хива тумани
2.	Зиятов Парда	1947	Жиззах тумани «Қўёшев Парда» фермер хўжалиги раҳбари	Жиззах тумани	2.	Оллабергенов Оллаберган Ҳайитович	1961	Хоразм вилояти ҳокими	Урганч тумани
3.	Исмаилов Сайфиддин Умарович	1959	Жиззах вилояти ҳокими	Жиззах шаҳри	3.	Рузметов Эркин	1957	Богот тумани «Богот» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси	Богот тумани
4.	Мамажонов Баҳром	1947	Жиззах давлат педагогика институтининг «Умумий математика» кафедраси доценти	Жиззах тумани	4.	Собиров Илгизар Матёқубович	1959	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси	Тошкент шаҳри
5.	Шералиев Сайфиддин Қаршибоевич	1955	Дўстлик тумани ҳокими	Фориш тумани	5.	Холимбетов Бахтиёр Юлдашевич	1958	Гурлан туманидаги «Истиклол Самар» фермер хўжалиги раҳбари	Гурлан тумани
6.	Эргашев Қурақбой Ялғашевич	1959	Мирзачўл тумани қишлоқ хўжалиги касб-хўнара коллежи директори	Мирзачўл тумани	6.	Хўжаниёзова Шакаржон Юсуповна	1955	Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси	Богот тумани
Навоий вилояти					Қашқадарё вилояти				
1.	Алдабергенов Кайрат Тутқабоевич	1966	Томди тумани ҳокими	Томди тумани	1.	Донаев Шомурод Холбоевич	1958	Ғузур тумани ҳокими	Ғузур тумани
2.	Ибраимов Холбой	1957	Навоий давлат педагогика институти ректори	Навоий шаҳри	2.	Зайниев Нуритдин	1952	Қашқадарё вилояти ҳокими	Қарши шаҳри
3.	Кольцов Виктор Николаевич	1957	Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси директори	Учқудуқ тумани	3.	Назаров Тура Абдуллаевич	1966	Шахрисабз тиббиёт коллежи директори	Қарши шаҳри
4.	Тоғаева Назира Мамажановна	1962	Хатирчи уй-жой коммунал хўжалиги касб-хўнара коллежи директори	Хатирчи тумани	4.	Раҳмонов Тура Хўжаёрович	1963	Нишон туманидаги «Хўжаёв ота» фермер хўжалиги раҳбари	Қарши тумани
5.	Турдимов Эркинжон Окўтаевич	1969	Навоий вилояти ҳокими	Навоий шаҳри	5.	Султонов Алишер Саидаббасович	1967	«Шўртангазимё» мажмуаси директори	Тошкент шаҳри
6.	Эшмирзаев Илҳомбек Норбекович	1972	Зарафшон шаҳар ҳокими	Зарафшон шаҳри	6.	Қурбонова Майна Эшбўриевна	1952	Нишон туманидаги «Майна Қурбонова» фермер хўжалиги раҳбари	Нишон тумани
Наманган вилояти					Тошкент шаҳри				
1.	Бозаров Хайрулло Хайитбаевич	1976	Чуст тумани ҳокими	Чуст тумани	1.	Абдурахимова Фарида Юлдашевна	1950	Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри
2.	Ботиров Ильхомитдин Джаббарович	1959	Наманган шаҳар ҳокими	Наманган шаҳри	2.	Акрамов Акмал Махмудович	1955	«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири	Тошкент шаҳри
3.	Маткаримов Пахриддин Жураевич	1965	Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори	Наманган шаҳри	3.	Борисова Елена Михайловна	1955	Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий Маркази директорининг ўринбосари	Тошкент шаҳри
4.	Садриддинов Насриддин Фахриддинович	1957	Уйчи тумани «Машад» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси	Уйчи тумани	4.	Джумабаев Аҳмад Сахиевич	1962	Шайхонтоҳур тумани ҳокими	Тошкент шаҳри
5.	Эсанбаева Дилором Махаммаджановна	1969	Учқўрғон туман педагогика коллежи директори	Учқўрғон тумани	5.	Исмаилов Улугбек Мирабидович	1964	Мирзо Улугбек туманидаги «Дойче Кабель» акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри
6.	Юсупов Баҳодир Турсунович	1961	Наманган вилояти ҳокими	Наманган шаҳри	6.	Тўхтаев Абдуқоҳгор Ҳасанович	1956	Тошкент шаҳар ҳокими	Тошкент шаҳри
Самарқанд вилояти					Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси				
1.	Барноев Ўқтам Исоевич	1964	Самарқанд вилояти ҳокими	Самарқанд шаҳри	М. АБДУСАЛОМОВ				
2.	Мирзаев Зойир Тоирович	1968	Самарқанд шаҳар ҳокими	Самарқанд шаҳри	<i>Тошкент шаҳри, 2010 йил 22 январь.</i>				
3.	Окўтаев Химнат Кучкарович	1962	Ургут тумани ҳокими	Ургут тумани					
4.	Тошев Фармон Исақович	1954	«Зарафшон» газетаси бош муҳаррири	Самарқанд шаҳри					
5.	Шодиева Ҳамротош Нормуродовна	1959	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг доимий асосда ишловчи аъзоси	Тошкент шаҳри					
6.	Юлдошов Мансур Арзиқулович	1964	Пахтачи педагогика коллежи директори	Пахтачи тумани					
Сирдарё вилояти					Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биринчи мажлисининг очилиши тўғрисида				
1.	Ашурматов Ойбек Шодмонқулович	1966	Сирдарё вилояти ҳокими	Гулистон шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2010 йил 26 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида очилади.				
2.	Бурханов Алишер Ҳаджимурадович	1971	Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари коллежи директори	Гулистон шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига				
3.	Каратаев Икрам Ташпулатович	1962	Сайхунбод тумани «Қоратой Мирзаев» фермер хўжалиги раҳбари	Сайхунбод тумани	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мажлисига келган Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида 2010 йил 25 январда соат 9.00 дан 18.00 га қадар рўйхатга олинади.				
4.	Махмудов Абдумавлон Убайдуллаевич	1961	Сардоба тумани «Барақа» фермер хўжалиги раҳбари	Сардоба тумани	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси				
5.	Разаков Хамрабай Раҳимович	1963	Сирдарё тумани ҳокими	Сирдарё тумани					
6.	Фазилов Дилмурод Тухмакович	1971	Боёвут тумани ҳокими	Сирдарё тумани					

«ТУРКМАНИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРГА УЙҒУН ҲАМКОРЛИК»

Ашхобод шаҳрида Савдо, иқтисодиёт, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Туркменистон — Ўзбекистон қўшма комиссиясининг 5-йигилиши бўлиб ўтди. Туркменистонда рус тилида нашр этиладиган «Нейтральный Туркменистан» газетасида йигилиш якунларига бағишланган «Туркменистон — Ўзбекистон: миллий манфаатларга уйғун ҳамкорлик» сарлавхали мақола эълон қилинди.

Мақолада, хусусан, ҳар бир янги учрашув иккала мамлакат президентларининг хайрли истақларига, кўп йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ижобий таърибасига ва унинг бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилган салоҳиятига, икки қўшни мамлакат ва уларнинг азалдан биродар халқлари манфаатларига асослан-

сияси бўйича ҳукуматлараро битим алоҳида қайд этилади, деб ёзади Туркменистон наشري.

Мақолада, асосан, ишбилармонлик ва конструктив руҳда ўтган музокаралар чоғида икки томонлама келишувларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли, шунингдек, илгари эришилган битимларнинг бориши ҳақида батафсил мулоҳазалар алоҳида қайд этилади. Шу ўринда йигилганлар қўшма комиссиянинг илгариги — учинчи ва тўртинчи йигилишлари қарорларининг бажарилиши, хусусан, Ашхобод ва Тошкентда ҳар иккала мамлакатнинг миллий кўргазмалари бўлиб ўтганини мамнуният билан қайд этишди.

Икки мамлакат ўртасидаги товар айланмасининг доимий ошиб бориши, бу борадаги кўрсаткичнинг ижобийлигидан далолат берадиган савдо-иқтисодий алоқалар ўсишининг юқори суръатини қониқш билан қайд этар экан, қўшма комиссия аъзолари маҳсулотлар турларини кўпайтириш ва уларни ўзаро етказиб бериш ҳажмини янада ошириш ҳамда янги қўшма корхоналар ташкил этиш муҳим эканини таъкидлашди. Бу борадаги муваффақиятли ҳамкорликка мисол сифатида Туркменистонда автомобилларга хизмат кўрсатишни амалга оширишга ихтисослашган «Туркман-Узавто» қўшма корхонаси санаб ўтилди.

«Жаҳон» АА.

Жиззах туманидаги «Жиззах олмачи» боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги 54 миллион сўмлик даромад ҳамда банкдан олинган 94 миллион сўмлик кредит ҳисобига мева ва сазавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган технологик линияни ишга туширди.

«Жиззах олмачи»нинг шарбатлари

Айни пайтда бу ерда кунига икки тоннага яқин қуритилган мева қайта ишланмоқда. Ушбу корхонада тайёрланаётган ўрик, олхўри, шафтоли шарбатлари харидорларга манзур бўлаётир.

Корхона иш бошлаши билан 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқимиз балиқни «Луқмаи ҳалол» деб бежиз айтмайди. Чунки у нафақат парҳез таом, балки юракка қувват, кўзга дармон бўладиган кальций моддасига бой озуқа ҳамдир. Шунинг учун ота-боболаримиз азалдан, ҳеч бўлмаса, ҳафтасига бир марта балиқ истеъмол қилиб туришни маслаҳат беришган.

ЮРАККА ҚУВВАТ, КЎЗГА НУР

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг балиқчиликни ривожлантиришга эътибор янада кучайди. Хусусан, мазкур ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, Фарғона вилоятида 2009-2010 йилларда ушбу тармоқни ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Сабоби, бу ерда, айниқса, вилоятнинг Сирдарё хавзасида жойлашган майдонларда табиий имкониятлар талайгина. Боз устига, айнан шу ҳудудда балиқчиликка ихти-

сослашган иккита масъуляти чекланган жамияти ташкил этилган. Афсуски, ана шу хўжаликларнинг бугунги фаолияти талабга жавоб берамайди. Жумладан, «Бешарик балиқ» МЧЖнинг сув ҳавзаси 440 гектардан зиёд бўлса-да, унинг фақат 35-40 фоизидан фойдаланилаёти, холос. Аниқроқ қилиб айтганда, бир пайтлар хўжаликда 2 минг тоннагача балиқ етиштирилган бўлса, ўтган йили савдо шохбўчаларига, бор-йўғи, 153 тонна атрофидан маҳсулот чиқарилди.

Хўжалик раҳбарларидан «Нега ҳавзанинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмапти?» деб сўралса, улар сунъий кўллар саёзлашиб,


Ҳамкорлик

Нукусда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалар жамғармаси ҳамда Халқ банки ҳамкорлигида «Тадбиркор аёллар маслаҳат маркази» ташкил этилди.

Тадбиркор аёлларга амалий ёрдам

Айни пайтда марказ тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган кўплаб хотин-қизларга турли йўл-йўриқлар бериб, зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам ҳам кўрсатмоқда. Хусусан, ана шундай бўлмақдан баҳраманд бўлган нукуслик Ш. Асанова Халқ банкидан олган 5 миллион сўмлик кредити ҳисобига туя жунидан болалар кўрпаси тўкишни йўлга қўйди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳалари эндиликда мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, даромад ва фаровонлик манбаига айланди. Сабоби, касаначилик, айтишлик, янги иш жойларини яратиш, корхоналарнинг иқтисодий ривожланишга кам маблағ талаб этган ҳолда, катта фойда келтирадиган йўналишлардан бири бўлиб қолди. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашда у муҳим аҳамиятга эга.

КАСАНАЧИЛИКНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

иқтисодиёт тараққиётида катта аҳамият касб этади

Кейинги уч йилда Андижон вилоятида 100 дан ортқ йўналишларда 23 мингдан зиёд касаначилик иш ўринлари яратилгани шундан далолат беради. Эътиборлиси, касаначилик буюртма берувчи корхона ва ташкилотларга ҳам, хонадон эгаларига ҳам, кўп жиҳатдан, маълум бўлмоқда. Чунки корхона касаначилик ҳам ашё билан таъминлаб, тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатини мунтазам назорат қилиб борса, иш бажарувчи эса ички имкониятларидан келиб чиқиб, буюртма-ни сифатли адо этишга ҳаракат қилади. Қолаверса, оиладаги фарзандлар ота-онанинг ёнида иш ўрганади. Мисол учун, «Темир йўл механика» акциядорлик жамиятининг касаначилик Маффузахон Юнусованинг уч нафар фарзанди бор. Ҳаммаси ёш. Шунинг билан олиб, корхона ўз ичидангина вақтдан унумли фойдаланишни учун барча шарт-шароитларни яратиш

берди. Чевар тайёрлаган кийим-кечаклар, ишчилар учун махсус кўлқоплар эса жамоага наф келтирмоқда. Оила бюджетига ҳам ҳар ойда 180-200 минг сўмдан даромад қўшилиб турибди. Мазкур корхонада ўтган йили 20 тадан кўпроқ касаначилик иш ўрни яратилди. Улар томонидан 30 миллион сўмликдан зиёд буюртмалар бажарилди. Пировардида жамият, давлат томонидан берилган имтиёзга кўра, салкам 1,5 миллион сўм маблағни иқтисод қилишга эришди. Андижон шаҳридаги «Ўз Ко-рам Ко» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси эса асакалик автомобилсозларга бамперлар, эшикларнинг панеллари, қопламалар сингари бутловчи қисмлар етказиб беради. Ушбу жамоа эришаётган ютуқларда ҳам касаначиликнинг муносиб ўлиши бор. Муҳайё Каримова — шулардан бири.

Муҳайё ва унинг дугоналари яқунланган йилда 48 миллион сўмлик буюртмани удалашди. Дарҳақиқат, давлатимизнинг мазкур ижтимоий сиёсати нақадар пухта асосга эга эканлиги, хусусан, жаҳон молия-вий-иқтисодий инқирози шароитида яққол намён бўлмоқда. Буни шаҳар ва туманларда ўтказиб келинаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, Андижон шаҳри, Пахтаобод, Кўргентепа, Шахрихон туманларида уюштирилган меҳнат бозорларида, асосан, касаначилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди. Бу билан ишлаш истагида бўлганларга касаначилик тарғиб қилинган бўлса, уй шароитида ҳам дурустгина даромад топиш мумкинлиги аниқ мисолларда кўрсатиб берилди. Асакадаги «GM-Ўзбекистон»

ёпиқ акциядорлик жамияти, Андижон шаҳридаги «Тожметалл» очик акциядорлик жамияти, «Андижон таъриба синов» ёпиқ акциядорлик жамияти, «Ўз Дон Янг Ко» қўшма корхонаси, Булоқбоши туманидаги «Элга хизмат», Шахрихондаги «Шахрихон хунармандлари» масъуляти чекланган жамиятлари, Хўжаобод туманидаги «Ал-Ҳаким», «Хўжаобод фазо», «Барчиной» хусусий фирмалари ҳам касаначиликни йўлга қўйиб, салмоқли ютуқларга эришаётгани диққатга сазовордир. Шунинг билан таъкидлаш керакки, касаначилик вилоят иқтисодиётининг барча тармоқларида — электроника, кимё, машинасозлик, металлургия, металлга ишлов бериш, мебель, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати, кишлоқ ва ўрмон хўжалиги, сайёҳлик ва меҳмонхона хизматлари, санъат ва маданият, савдо ва умумий оқватланиш, таълим йўналишларида тобора ривож топмоқда. Бу тармоқларда бултурнинг ўзида 7 мингдан кўпроқ касаначилик иш ўрни яратилган бўлса, унинг 5 мингдан зиёди кишлоқ жойларига тўғри келди. Яқин орада касаначиликнинг умумий сони ўн минггача етказилади. Демак, вилоят иқтисодиёти янада риваж топиб, оилаларнинг турмуш фаровонлиги ошиб бораверади.

Содиқжон ЮСУФОВ, Андижон вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармаси бошлиғи.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Корхонани ишга тушириш учун, аввало, хорижий мамлакатлардан замонавий ускуна ва технологияларни келтириб ўрнатдик, — дейди қўшма корхона директори Акрам Ҳайдаров. — Жумладан, уларни Италия, Польша, Корея ва Тайвандан сотиб олдик. Ушбу ускуналар арзонлиги ва экологик жиҳатдан хавфсизлиги билан ажралиб туради.

Ҳозир бу ерда катталар ва болаларга мўлжалланган турли хил трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Хом ашё Янгиердаги «Кармента — Янтекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасидан келтирилмоқда. Маҳаллий хом ашёга замонавий технология асосида ишлов бериб, сифатли, муҳими, экспорт-боп маҳсулот ишлаб чиқараёلمиз. Маҳсулотимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорчилиги бунинг исботидир.

Корхона жамоаси дастлабки натижалар билан кифояланиб қолаётгани йўқ. Ўтган йилнинг охиригича чорағида 3 та янги линия ишга туширилди. Натижада 25 та иш ўрни яратилди. Агар корхона ташкил этилган пайтда бу ерда 25



киши меҳнат қилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 100 нафарга етиб қолди. — Корхонамизда йилгига 1 миллион 500 минг дона, бошқача айтганда, 3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, — дейди бош хисобчи Гулчехра Курбонбоева. — 2008 йилда Россияга 488,2 минг АҚШ долларлик трикотаж маҳсулотларини экспорт қилгандик. Ўтган

йили бу кўрсаткич 716,7 минг АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда эса «Ник» МЧЖ билан 774,1 минг АҚШ долларлик маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Айни пайтда жамоа аъзолари ушбу шартномани бажариш мақсадида меҳнат қилишмоқда.

Қўшма корхона жамоаси касб-хўнар коллежларини битирган ёшлар ҳисобига тўлдириб боришмоқда. Соҳага ихтисослашмаганлар эса шу ерда ўқитилмоқда. Уларга Г. Мирзаева, М. Аҳмедова, З. Ҳошимова, У. Суяркулова сингари таъриблари ишчилар устозлик қилишаётир. Дарҳақиқат, «МосЯнтекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариб, хорижий ҳамкорларга узлуксиз етказиб беришмоқда. Экспорт ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётгани эса ушбу корхонанинг истиқболли эканлигидан далолат бериб турибди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Қоҳрамон ҚУННОЗОВ олган суратлар.

Чирчиқ ижтимоий иқтисодиёт касб-хўнар коллежидан Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ЁШЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Тадбирда шоир ва ёзувчилар, шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, касб-хўнар коллежи ва академик лицей ўқувчилари иштирок этди. Президентимиз асаридан илгари сурилган ғоя ва қарашлар бугунги ҳаётимиз учун бекиёс аҳамиятга эга. Мазкур китобда маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, бу мураккаб, серқирра тушунчанинг назарий ва амалий жиҳатлари кенг камровли фикр ҳамда ҳулосалар орқали таҳлил этилган. Юрдошларимиз, айниқса, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларни ўргатиш, эл-юрта сadoқат руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли ғоя ва оқимлар таъсиридан асраш масалалари тегаран ёритиб берилган. Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва sadoқат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар, уларни дунёда кечаётган мураккаб сиёсий, мафкуравий жараёнлардан мунтазам ҳабардор қилиб бориш, уларда ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш борасида олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофича фикр юритдилар.

— Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни, аёна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази Чирчиқ шаҳар бўлими раҳбари Р. Бекбутаева. — Бундай тадбирлар ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан асраш, навқирон авлод тарбияси йўлида олдимизда турган долзарб вазифаларни аниқ равшан белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

Интилиш

2010 йил — Баркамол авлод йили

Биз яшаётган XXI асрда илм-фан, интеллектуал салоҳият тараққиёт мезонига айланади, тобора юксак босқичга чиқмоқда. Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-

қувватлаш, илмий тадқиқотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳам ана шу эзгу мақсадга ҳизмат қилаётди. Математик олимларимиз олиб бораётган илмий изланишлар, бу борада эришилаётган ютуқлар бунинг ёрқин далилидир.

докторлари Ўткир Розиков ва Баҳром Омиров мазкур академиянинг 40 ёшга бўлган илм аҳлини ўзида жамлаган ёшлар секцияси аъзоллигига сайланиб, мамлакатимиз ёш олимлари салоҳиятини намойён этди. Юртимизда математиканинг жаҳон миқёсидаги юксак ўрнини таъминлаш, илм-фанда эришилаётган натижаларни амалиётга татбиқ

борилаётган Гиббс ўлчовлари назарияси, эволюцион операторлар сингари муҳим илмий йўналишлардаги тадқиқотлар шулар жумласидандир. Гиббс ўлчовлари йўналишида олинган ҳар бир натижа янги физикавий тизимлар учун фаза алмаштириш масаласини ҳал қилади. Эволюцион операторлар жабҳасида эришилган муваффақият эса биологик тизимлар авлодларини башорат қилиш, уларга олдиндан таъсир кўрсатиш имконини беради. Авлод алмаштиришда қандай генетик белгилар сақланиб қолиши математик усуллар билан аниқ исботлаб берилади.

Мамлакатимизда таниқли олимларимиз фаолиятини муносиб давом эттирадиган ёш математиклар этишиб чиқмоқда. Яқинда Президент стипендияси соҳиб бўлган Шерзод Муродов, фаол илмий изланиш олиб бораётган Рустам Турдибоев, Фаррух Шаҳидий, Мансур Собиров, Абдор Худойбердиев, Фалиб Ботиров ана шундай иқтидорли ёшлар сирасига кириди. Қувонарсиз, 2009 йилнинг июль ойида Германиянинг Бремен шаҳрида юздан ортиқ мамлакат вакиллари ўртасида ўтказилган 50-Халқаро математика олимпиадасида олти нафар ўқувчимиз Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Самарқанд иқтисодий ва сервис институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Диёра Салимова кумуш, Қорақўл туманидаги 1-сонли иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчилари Абдор Пирназаров ва Азизхон Назаров бронза медаллари қўлга киритди.

ЎЗБЕК МАТЕМАТИКА МАКТАБИ ДАВОМЧИЛАРИ

Аниқ мантикий мушоҳадаларга асосланган математика фани барча соҳаларга бевосита ёки билвосита дахлдордир. Бу фанинг тараққиёт топиши Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари буюк аждодларимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ эканини бутун дунё олимлари эътироф этади. Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига Ал-Хоразмийнинг ўлиқ санок системасини, алгоритми ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб жорий этгани умуминсоний тараққиёт эрга бўлиши таъкидлайди: «Бугунги кунда одамзоднинг илм-фан ва замонавий технологиялар бораида эришаётган улкан ютуқларини кўз олдимизга келтирар эканмиз, беихтиёр ана шу бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади».

демиклар математика соҳасида ўз илмий мактабларини яратдилар. Бугун мамлакатимизда ана шу мактаблар давомчилари бўлган кўплаб ёшлар математиканинг янги қирраларини кашф этмоқда. Соҳанинг энг устувор йўналишлари бўйича олиб бораётган илмий изланишлари билан улар дунё миқёсидаги кашфиётларга муносиб ҳисса қўймоқда. Кейинги йилларда илм-фан соҳасида олимларимизнинг халқаро алоқалари, ривожланган мамлакатлар тадқиқотчилари билан ҳамкорлиги кенг ривожланди. Айтиш мумкин, математик олимларимиз изланишлари учун ҳам катта имкониятлар очилди. Бугун Ўзбекистон Фанлар академияси Математика ва информатсион технологиялар институти директорлари Шавкат Аюпов ҳар йили дунёнинг энг салоҳиятли 5 нафар олимини ўз сафига қорлайдиган «Ривожланган мамлакатлар академиясининг ҳақиқий аъзоллигига қабул қилинган ҳам мазкур фан йўналишидаги ютуқларимиз сира-сидандир. Бундан ташқари, ушбу институтнинг етакчи илмий мутахассислари, соҳанинг энг ёш фан

Италия каби ўндан зиёд мамлакатлардаги нуфузли илмий журналларда чоп этилмоқда. Яқинда таниқли математик олимларимиздан академик Шавкат Аюпов ва фан доктори Каримбергн Худойбергннинг АҚШдаги энг нуфузли илмий нашрлардан бири — «Journal of Functional Analysis» журналида математиканинг долзарб муаммоларига бағишланган мақолалари чоп этилди. Бунга қизиққан италиялик машҳур математик Л. Аккарди олимларимиз билан илмий ҳамкорлик қилиш истагини билдирди. Ўзбекистон Фанлар академияси Математика ва информатсион технологиялар институти директорлари Шавкат Аюпов ҳар йили дунёнинг энг салоҳиятли 5 нафар олимини ўз сафига қорлайдиган «Ривожланган мамлакатлар академиясининг ҳақиқий аъзоллигига қабул қилинган ҳам мазкур фан йўналишидаги ютуқларимиз сира-сидандир. Бундан ташқари, ушбу институтнинг етакчи илмий мутахассислари, соҳанинг энг ёш фан

этиш бугунги кунда олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Албатта, математика фанининг ютуқларини тўлалигича амалиётга қўллаш мушкул. Шу боис ҳам олимларимиз томонидан юртимизда фундаментал фанларнинг жаҳон миқёсидаги долзарб сатҳини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида эътибор қаратилаётган. Мамлакатимизда математика соҳасидаги изланишлар учун ажратилаётган грантлар фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ривожига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг самарасида ёш олимларимиз кўплаб фойдали тадқиқотлар устида иш олиб бормоқда. Уттиз ёшида математика фанлари доктори бўлган Ўткир Розиков бошчилигида олиб

Еш математикларни тайёрлаш мақсадида ҳар йили талаба-ёшлар иштирокида илмий семинарлар ўтказилмоқда. Йигит-қизларнинг аниқ фанларга қизиқишини оширишда «Физика, математика ва информатика» илмий-услубий журнали ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

ЗЕХНИНГИЗ ЧАРХЛАНАДИ

Ақлни чархлаб, кишини ўй-фикрга қорлайдиган шахматнинг жозибаси бошқача-да — катта кичикни ўзига оҳанрабодай тортади. Наманган шаҳридаги «Шохрух» клубида спортнинг бу тури билан шуғулланаётган болалар ва ўсмирлар кўпайиб бораётган боиси шунда.

Одатда, кўпчилик ҳавас деб биладиган шахмат-шашка билан «Шохрух»нинг аъзолари юракдан шуғулланишади. Улар орасида болалар боғчаси тарбияланувчисидан тортиб, коллеж ўқувчисигача бор. Масалан, эндиликда ўзидан катталар билан ҳам бемалол донна сура оладиган Мухаммадсодиқ Набижонов бу ерга беш ёшида келган. Ҳозир биринчи синфда ўқийдиган болакайнинг маҳорати жуда тобланган, анча-мунча рақибни санокли юришлардаёқ мот қилади. Унинг тенгдоши Мубинабону Мўйидинованинг «ақл гимнастикаси»ни чаққонлик билан бажаришига синфдошлари ҳавас қилишади. Клуб машғулотларига мунтазам қатнашаётган бу сингари болалар бир-икки йил давомида моҳир шахматчи бўлиб етишганларидан сўнг кучларини турли мусобақаларда синая кўришади. Ўқувчилик чоғидаёқ Осие чемпиони бўлган Ольга Сон ҳам шу ерда тарбияланган. Баҳодир Холмиров уч карра Ўзбекистон чемпиони, Вильдан Галямов эса миллий спорт устаси мақомига «Шохрух»да олган сабоқлари тўғрисида эришган.

Бугунги кунда клубимизда 40 нафар ўғил-қиз шуғулланыпти, — дейди мураббий Акмалжон Жўраев. — Буш вақтларини олтиш тўрт каттали тахта устида ўтказишга одатланган бу ёшлар учун барча шароит яратиб берилган. Зарур жиҳозлар билан таъминланган каттагина зал улар хизматида. Халқ таълими бошқармасига қарашли ушбу клубга таъинланган болалар ва ўсмирлар сафининг кенгайтирилган вилоятда спортнинг бу турига эътибор янада кучайиб бораётганидан далолат беради.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2009 йил Ўзбекистонлик боксчилар учун муваффақиятли кечди. Ҳамюртларимиз Милан (Италия)да ўтказилган жаҳон чемпионатида бир юз кирқка яқин мамлакат боксчилари орасида фахрли учинчи ўрнини қўлга киритишди. Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (АИВА) президенти кубоги учун ташкиллаштирилган аънавий халқаро турнирда Орзубек Шоимов (54 кг.) олтин медал билан тақдирланди. Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббий Шароф ХУДОЙБЕРДИЕВ билан йил якунлари ва келгусида амалга ошириладиган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

Шароф Худойбердиев: ЮКСАК НАТИЖАЛАР ФАХР БАФИШЛАЙДИ

— Шароф ака, Бокуда якунланган халқаро турнирда жаҳон чемпионатида юқори натижаларга эришган боксчиларимиз нима учун иштирок этишмади? — Нуфузли турнир ҳар бир спортчи, айниқса, ёшлар учун катта тахриба мактабидир. Аммо АИВА томонидан бизга беш вазн тоифасида боксчилар олиб боришига рўхсат берилди. Шунинг учун Миланда ўзини кўрсатган Аббос Атоев, Элшод Расулов ҳамда Баҳодир Султонов дам олишди. Боиси улар йил давомида жуда кўп беллашувлар ўтказишди. — Жиззахда бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида ҳам бир неча ёш истеъдодли спортчилар кашф этилди. — Андижонлик Жасур Латипов (48 кг.)нинг ҳаракатлари кўпчиликка жуда ҳам ёқди. Ёшлар ўртасидаги турнир ва жаҳон чемпионатларида тоблангани учун катталар ўртасида ҳам ўзини дадил тўтди. У ҳал қилувчи финал баҳсида Миланда ўтган жаҳон чемпионати иштирокчиси Алишер Маҳмудовни мағлуб этди. Бухоролик Фазлиддин Гоипназаров ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Шунингдек, андижонлик яна бир боксчи — Аҳор Курбонов барча жангларда мудатидан аввал ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. — Кўпчилик мутахассислар 2009 йилда дегарли тенг кучга эга бўлган икки таркиб шаклланди, деган фикрни билдиришмоқда. — Шундай деса ҳам бўлади. Биз анданан буён бунга интиляётгандик. Утган йили қилинган саъй-ҳаракатлар ўз

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

Тўловни бўлиб-бўлиб 1 йил давомида амалга ошириш мумкин.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner

Tel. (8-371) 250-11-11



Йили бўладиган мусобақаларда ҳам совриндорлар сафидан жой олишни мақсад қилиб қўйганмиз.

— АИВА бир вақтинг ўзида профессионал йўналишни ҳам жорий этмоқда. Биздан кимлар бу йўналишда фаолиятини давом эттиради? — Профессионал бокс билан ҳаваскор боксинг методикаси ҳам, техника ва тактикаси ҳам тамоман бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли, биринчи рақамли боксчилардан биортасини ҳам профессионалга ўтказиш ниятимиз йўқ. Агар, на сиб этиб, Аббос Атоев, Элшод Расулов ҳамда Ботир Маҳмудов Лондон Олимпиадасида яхши натижаларга эришса, профессионал боксга ўтказиш борасида ўйлаб кўраемиз. Дилшод Маҳмудов Австралида профессионал бўлиб билан шартнома тузиб, дастлабки ғалабасини қўлга киритди. — Шароф Босимович,

2010 йилда терма жамоа таркибида ўзгаришлар бўладими?

— Яқинда Тўлашбой Дониёров 29 ёшга тўлди. У узоқ йиллар терма жамоа таркибида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Эндиликда мураббийликда фаолиятини давом эттириш режалаштирмоқда. Унинг ўрнига Орзубек Шоимов ёки Бунёд Машрабовни асосий таркибга киритмоқчимиз. — Лондон Олимпиадасида ўз вази тоифасида қилар ҳам рингга чиқар экан. — Ҳа шундай. АИВА ташкилоти бизга шу йил ўтадиган хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида спортчиларни олиб боришимизни вазифа қилиб қўйган. Ҳозирда федерациямиз ушбу лойиҳа устида иш олиб бормоқда.

Улғубек ҲАКИМЖОНОВ сўхбатлашди.

МЕҲРДАН УЛҒАЯЁТГАН БОЛАЛАР

Янги йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши биз каби таълим-тарбия муассасалари ходимларини беҳад қувонтирди. Зеро, ёшларимизнинг маъна соғлом ва етуқ, жисмонан бақувват, келажакда эл-юрт равақи учун хизмат қиладиган авлод бўлиб воғта этишлари қўп жиҳатдан биз, ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ.

Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйда 83 нафар тарбияланувчи ғамхўрлик оғушига олинган. Уларга умри ва кун-гайратини ушбу хайри ишга бағишланган 15 нафар мураббий таълим-тарбия бермоқда. Бунинг учун Меҳрибонлик уйда барча қўлайлик ва имкониятлар яратилган. Табиийки, бу баландларвоз гап эмас. Болалар муассасасини айланган киши бу ердаги шароитдан қониқиб қолмайди. Мана, масалан, замонавий кутубхона, ўқув зали ҳамда компьютер, даволаш ва муолажа хоналарига кирсангиз баҳридингиз очилди. Зарур адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминланган маънавият хонаси, 103 ўринли фазлалар зали, ошона болалар хизматида. Тикиш-бичиш, каштачилик, қандақорлик, тасвирий санъат тўғрисидаги тарбияланувчилар билан доимо гавжум. 7-10 ёшдаги болаларнинг бўш вақтларини қизиқарили ва мазмунли ўтказиш учун ташкил этилган дам олиш хонаси ўйинчоқлар, телевизор ва компьютер билан таъминланган.

Айтиш лозимки, муассасамизда болаларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида ҳам яхши натижалар қўлга киритилмаётган. Жумладан, бир қатор тарбияланувчимиз «Камалат жилоси» республика кўрик-танловига боғлиб бўлганлиги бунинг тасдиғидир. Айтиш мумкин, муассасамиз тарбияланувчилари фанларини ўзлаштириш борасида ҳам ўзларини кўрсатишмоқда. Шу ўриндан

Шунингдек, бу ерда болаларнинг спорт кутубхона, ўқув зали ҳамда компьютер, даволаш ва муолажа хоналарига кирсангиз баҳридингиз очилди. Зарур адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминланган маънавият хонаси, 103 ўринли фазлалар зали, ошона болалар хизматида. Тикиш-бичиш, каштачилик, қандақорлик, тасвирий санъат тўғрисидаги тарбияланувчилар билан доимо гавжум. 7-10 ёшдаги болаларнинг бўш вақтларини қизиқарили ва мазмунли ўтказиш учун ташкил этилган дам олиш хонаси ўйинчоқлар, телевизор ва компьютер билан таъминланган.

Санда ШАРИПОВА,
Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи директори.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ «ЎЗНЕФТГАЗКАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

қуйидаги кимёвий реагентлар, хом ашёлар ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш бўйича 01/10-сонли тендер савдосини эълон қилади.

- Лот № 1. Циклогексан SH — 600 тонна.
- Лот № 2. Сокатализатор DEAL-E (EJ) — 6 440 тонна. Сокатализатор DEAC (CD) — 6 119 тонна.
- Лот № 3. Антиоксидант 1010 — 63 тонна.
- Лот № 4. Эни 1240 мм. ва қалинлиги 0,2 мм., 0,3 мм. бўлган алюмин лист (спецификацияга асосан).
- Лот № 5. Эни 1520 мм. ва қалинлиги 0,3 мм. бўлган алюмин лист (спецификацияга асосан).
- Лот № 6. Адгезивли (қалинлиги 0,05 мм.) ва химояли (қалинлиги 0,08 мм.) плёнка.
- Лот № 7. Пайвандаш ускунаси (уловчи қисмларни тайёрлаш ва туташган жисмларни пайвандаш учун).

Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180100, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Шўртан қўرғони.

Телефон: (998 75) 780-87-74. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46. Электрон почта: group_hg@sgcc.uz

ОБ-ҲАВО (23 январь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қор ёғади. Туман тушади. Тунда 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Баъзи ҳудудларда ёғингарчилик бўлиши кутулимоқда. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Навоий вилоятининг шимоллик қисмида эса тунда 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғимр ёғади. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Тошкент вилояти. Вақти-вақти билан ёғимр ёғади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғимр ёғади. Тунда 2-7, кундузи 7-12 даража илқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғимр ёғади. Кечаси 0-5, кундузи 3-8 даража илқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғимр ёғиши кутулимоқда. Ҳарорат тунда 3-5, кундузи 8-10 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди раиси Азат Сейтановнинг

Канат Сейтановнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдириш.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасба уюшма қўмитаси Ахборот технологиялари кафедраси ассистенти Отабек Каримов ва наси Бурозия КАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасба уюшма қўмитаси Қасба уюшма иш кафедраси катта ўқитувчиси Фазлиддин Хўжаева падари бузуқкори Элимур ХўЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Копият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғасев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материаллари

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонхонов. Навбатчи — Қ. Хидиров. Мухассас — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.40 Тошйирлиди — 04.30 1 2 4 5